O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SIRDARYO VILOYATI BOYOVUT TUMAN HOKIMI

QARORI

2020 yil “9” март 223-son Boyovut sh.

Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситаларини 2020 йил учун мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ҳақида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддалари (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда), “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 15-сон 197-моддаси) 7-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2003 йил 1-2-сон, 17-модда) ҳамда 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сон “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг тегишли бандларига мувофиқ 2020 йилда Боёвут туманидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситаларини мажбурий техник кўригини ташкил қилиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситалари тегишли тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Жисмоний шахсларга тегишли М1 тоифадаги транспорт воситаларининг техник регламентлар ёки стандартлар талабларига, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари, нормаларига мувофиқлиги тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар томонидан ҳам баҳоланиши мумкин.

Бунда жисмоний шахслар – М1 тоифадаги транспорт воситалари эгалари ўз транспорт воситасининг техник ҳолати ва ускуналари мувофиқлигини баҳолаш

учун ўз танловига кўра, туман давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органи, хусусий техник хизмат кўрсатиш станциялари ёки тадбиркорлик субъектларига мурожаат қилишлари мумкин.

3. Транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш комисияси 1-иловага, техник кўрикдан ўтказиш даврийлиги 2-иловага асосан тасдиқлансин.

4. Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилсин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, ва ўтириладиган жойлари сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар – бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур бандниг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари, (мазкур бандниг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси – шатакчи учун белгиланган муддатларда.

д) навбатдаги техник кўрикдан ўтказишнинг илгари ўрнатилган муддатларидан қатъи назар, уларни туман давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) вақтида;

е) улар ишлаб чиқарилган йилдан қатъи назар туман давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органи органида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб бир йил ўтгач (лойиҳанинг "а" кичик бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

5. Мазкур қарорнинг 3-банди "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта – 1 март – 30 июнда;

иккинчи марта – 1 сентябрь – 31 октябрда ўтказилсин.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 март – 30 июнда ўтказилсин.

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январь – 31 августда ўтказилсин.

Транспорт воситаси техник кўрикка белгиланган муддатлардан олдин тақдим этилиши мумкин. Ушбу ҳолда транспорт воситасини техник кўрикка тақдим этиш муддатини ўзгартириш тўғрисидаги қарор транспорт воситаси эгаси – юридик ёки жисмоний шахснинг ёзма аризаси асосида туман давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органи раҳбари томонидан қабул қилинади.

6. Транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда йиғим ундирилади.

7. Юридик ва жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жадвали 1-иловага мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш комиссиясининг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31-январдаги 54-сонли қарорининг 3-банди талабидан келиб чиқиб, туман мудофаа бўлими, ички ишлар бўлими, давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий бўлинмалари ва миллий гвардияга тегишли транспорт воситалари ушбу идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши назарда тутилсин.

9. Мажбурий техник кўрик давомида комиссия таркибида иш олиб борган ходимларнинг доимий иш жойларидаги ойлик иш ҳақлари сақланиб қолинсин.

10. Қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2019 йил 14 мартдаги 1618-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Қарор “Нурли истиқлол” газетаси ва туман ҳокимлиги телеграмм саҳифаларида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг веб-сайтига жойлаштирилсин.

12. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

13. Қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Н.Худойназаров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Д.Уралова**

Боёвут туман ҳокимининг
2020 йил _____
___- сонли қарорига
1-илова

Тумандаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситалари ва уларга тиркамаларни мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссиянинг
ТАРКИБИ

Боёвут туман ички ишлар бўлими
йўл ҳаракати хафсизлиги хизмати
катта инспектори, комиссия раиси — М.Эрматов

Боёвут туман ҳокимлиги бош мутаҳассиси,
комиссия аъзоси — И.Азимов

Боёвут туман тиббиёт бирлашмаси
бош шифокори, комиссия аъзоси — О.Бекмуродов

Боёвут туман “Ўзагросуғурта” ДАСК
бошлиғи комиссия аъзоси — Ш.Эшонқулов

“Нурли истиқбол” таҳририяти
муҳаррири, комиссия аъзоси — А.Абдусаматов

Изоҳ: *Комиссия аъзоларидан бири бошқа ишга ўтган тақдирда ушбу лавозимга янгидан ўтган ходимлар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган ходимлар комиссия таркибига киритилади.*

Туман комиссияси ташкилот ва идораларининг таркибий бўлинмалари мутахассисларини, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакилларини, мустақил экспертичиларни жалб этишлари мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ
БОЁВУТ ТУМАНИ
ҲОКИМИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SIRDARYO VILOYATI
BOYOVUT TUMANI
HOKIMI

120200. Boyovut sh. Jayxun ko'chasi 5-uy. Telefon: (367) 390-13-58, 390-19-43,
boyovut.t@exat.uz, t.boyovut@umail.uz, boyovuttumani@inbox.uz, www.boyovuttumani.uz

2020 yil " 10 " mart № 1/01-904 -son Boyovut sh.

Боёвут туман
Адлия бўлими бошлиғи
Ж.Шамирзаевга

Боёвут тумани ҳокимлиги Сизга туман ҳокимининг, "Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини 2020 йил учун мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ҳақида"ги қарор лойиҳаси давлат рўйхатига олинганлигини маълум қиламан.

Боёвут туман ҳокими **Д.Уралова**